ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ҚИШЛОҚ ВА СУВ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИ

ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШТИРИШ ИНЖЕНЕРЛАРИ
ИНСТИТУТИ

«ҲИСОБЛАШ МАТЕМАТИКАСИ ВА МАТЕМАТИК
МОДЕЛЛАШТИРИШ» кафедраси

# "ИНФОРМАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯЛАР"

фанидан назорат иши топшириқларини
бажариш учун услубий кўрсатма

ТОШКЕНТ – 2000

Ушбу услубий кўрсатма институт илмий – услубий кенгашининг 1999 йил 25 ноябр 2 – сонли мажлисида кўриб чиқилди ва чоп этишга тавсия этилди.

Мазкур услубий кўрсатма ТИҚХМИИ сиртқи бўлим СХИТЭ факультетида таълим олётган талабалар учун «Информацион технологиялар» фанидан назорат иши топшириқларини бажариш учун мўлжалланган.


Тузувчилар: Ю.Х. Эшқобилов, физ.–мат.ф.н.
З.С. Абдуллаев, физ.–мат.ф.н.

Тақризчилар: М. Мусамухамедов, ТошДАУ «Физика ва олий математика» кафедраси доценти, физ.–мат.ф.н.

Х. Эшматов, т.ф.д., профессор.



© Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш инженерлари институти, 2000 йил.

# Кириш

"Информацион технологиялар" - жадал ривожланиб бораётган фан йўналишларидан бири бўлиб, у ишлаб чиқариш ва иқтисодиёт учун замонавий технология элементларидан бири бўлиб қолди. Турли соҳа иқтисодчиларининг оладиган билимлари информацион технологияни қўллаш билан тобора боғлиқ бўлиб бормоқда. ШК ёрдамида маълумотларни қайта ишлашни компьютер қурилмалари ва дастурий воситаларисиз бошқариб бўлмайди.

"Информацион технологиялар" фанида маълумотларни қайта ишлаш матн процессори, жадвал процессори, маълумотлар базасини бошқариш системаси (МББС) каби амалий дастурлар ёрдамида амалга оширилади. Қўлланмадаги топшириқлар юқоридаги мавзуларни ўзида акс эттиради. Бу топшириқларни бажариш учун адабиётлар рўйхатидаги ўқув қўлланмаларидан фойдаланиш зарур.

**Топшириқлар қуйидаги мавзуларга бағишланган:**

**1) ЭЖнинг (Электрон жадвалнинг) стандарт функциялари;**

**2) ЭЖда диаграмма тузиш;**

**3) ЭЖ ёрдамида МБни (Маълумотлар базасини) тузиш;**

**4) МБни бошқариш.**